

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 34—36-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (170—172)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
август-
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

263. «Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 августдаги 204-сон қарори

264. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарори

Бешинчи бўлим

265. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Ад-*

- лия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 августда 1509-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
266. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 22 августдаги 191, 81-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 августда 1339-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
267. «Лотерея, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 19 августдаги 80, 2005-48-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 26 августда 1234-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
268. «Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарининг пул маблағларини тақсимлаш тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2005 йил 17 августдаги РК-1462-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 августда 1510-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
269. «Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2005 йил 26 августдаги 97-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 1511-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
270. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва шוליға Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган маблағларни қайтариш учун нон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва шолини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 73, 111-В-6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 653-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
271. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 77, 116-В-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 612-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
272. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла ва

гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 78, 115-В-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 657-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

273. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 75, 218-В-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 1149-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

274. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 74, 16/9-сонли қарори (*2005 йил 8 сентябрда давлат реестридан чиқарилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 20 августдан 9 сентябргача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

263 Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда):

а) 4-банд қуйидаги мазмундаги учинчи—еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қарздор корхона банкрот деб эълон қилинганда ва тугатиш ишлари бошланганда, агар қарздор кредитори кредиторлар талабномалари реестрига киритилган, кредитор қарзи бўйича қарздор кредитор қарзининг умумий суммасидан 70 ва ундан кўп фоизи талабига эга тижорат банки ҳисобланган тақдирда, ушбу кредитор, гаров предмети ҳисобланган мол-мулкдан ташқари, қарздор корхонаси (мол-мулки)ни ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Бунда, агар кредиторлик қарз бўйича банк талаби «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 131-моддасига мувофиқ аниқланган корхонани баҳолаш қийматидан кўп ёки тенг бўлса, банк томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган тартибда навбатдан ташқари харажатларни қоплаш учун маблағлар қарздорнинг ягона ҳисоб рақамига ўтказилганда ҳамда корхона ходимларининг иш ҳақлари бўйича қарздорлик қопланганда корхона банк мулкига ўтказилади.

Банкнинг кредиторлик қарз бўйича, шунингдек корхона ходимларига иш ҳақи тўлашдаги қарзларни ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган навбатдан ташқари харажатларни тўлаш бўйича талаблари суммаси корхонанинг баҳолаш қийматидан кам бўлган тақдирда корхонани банк мулкига ўтказиш кўрсатилган тафовут ҳамда навбатдан ташқари харажатларни қоплаш ва корхона ходимларининг иш ҳақи бўйича қарзларни тўлаш учун маблағларни банк томонидан қарздорнинг ягона ҳисоб рақамига ўтказиш шarti билан амалга оширилади. Ушбу маблағлар тугатиш бошқарувчиси томонидан, биринчи навбатда — навбатдан ташқари тўловларга ва корхона ходимларининг иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашга, шунингдек «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасида кўрсатилган тартибда йўналтирилади».

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган шартлар банк томонидан бажарилганда, қарздорнинг мол-мулки суд бошқарувчиси томонидан суд ҳужжатлари асосида тижорат банкининг мулкига ўтказилади.

Мазкур банднинг учинчи—олтинчи хатбошида кўрсатилган тартиб 2005—2007 йилларда амал қилади;

б) 1-иловада:

16-банддаги «банкротлик тартиботини ўтказиш учун хўжалик суди тасдиқлаган шахс» сўзлари «суд бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

20 ва 21-бандлардаги «банкротлик тартиботини ўтказиш учун хўжалик суди тасдиқлаган шахс» сўзлари «суд бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «банкротлик тартиботини ўтказиш учун хўжалик суди тасдиқлаган шахс» сўзлари «суд бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги «банкротлик тартиботини ўтказиш учун хўжалик суди тасдиқлаган шахс» сўзлари «суд бошқарувчиси» сўзлари билан ҳамда «83» рақами «134» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 август,
204-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

264 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сон Фармони мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 сентябрь,
206-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт ва импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 28 августдаги 343-сон қарори 1-бандининг олтинчи ва саккизинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «агентликнинг» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» ҳамда «вазирликнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро классдаги «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхона мажмуини фойдаланишга топшириш тўғрисида» 1996 йил 23 сентябрдаги 334-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 1-илованинг 6-банди «а» кичик бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Контрактларни мустақил экспертиза қилиш ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарорига:

3-банддаги, 4-банднинг учинчи хатбошидаги ва 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 3-бандидаги, 4-бандининг учинчи хатбошидаги, 12-банди биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг идоралараро тусдаги халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби 3-бандининг учинчи ва саккизинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорининг 7-банди биринчи хатбошидаги ва қарорга 1-илованинг номидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Словакия ҳукуматлараро комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 12 майдаги 201-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи

иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Германиянинг «КфВ» тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланадиган Оролбўйи қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 июндаги 243-сон қарорининг 2-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон футболни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 июлдаги 283-сон қарорининг 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Индонезия ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида» 1998 йил 17 августдаги 351-сон қарорининг 3-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида» 1998 йил 24 августдаги 363-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўлов балансининг даромад қисми тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 октябрдаги 424-сон қарорида:

8-банддаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Иқтисодиёт вазирлиги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга иловада:

муқаддиманинг олтинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» сўзлари билан сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 2, 6 ва 7-бандларидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Иқтисодиёт вазирлиги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий, илмий-технологик ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Греция қўшма қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1999 йил 13 январдаги 15-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида-

ги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида» 1999 йил 4 майдаги 214-сон қарорининг 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Молиявий Протокол доирасидаги қарз маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 17 июндаги 305-сон қарорининг 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июндаги 309-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги низомнинг 5.1-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, идоралар ва бошқа республика органлари ходимларининг чет эл хизмат сафарларига боришини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 9 сентябрдаги 417-сон қарори 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 13 сентябрдаги 419-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низомга иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарори билан маъқулланган Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастури 3-бўлимининг 3.1-банди саккизинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 11-модда) 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 24 мартдаги 102-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 14-модда):

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 1-банди олтинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия қўшма комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 8 июндаги 219-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзқўرғазмасавдо» доимий ишловчи республика ярмарка савдоси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 340-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 56-модда):

3-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида низомда:

10-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

55-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

62-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 473-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартибида:

3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг барча матнидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги», «Фан ва техника давлат қўмитаси», «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги», «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги», «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази», «Иқтисодиёт вазирлиги» ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон-Япония марказини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 16 январдаги 31-сон қарорининг

2-банди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда сил касаллигига қарши курашиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш учун Германия Федератив Республикаси Ҳукумати томонидан берилаётган грантларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 7 февралдаги 70-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тўғрисидаги низомнинг 3-банди бешинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 8 июндаги 249-сон қарорининг 4-банди иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон-Чехия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 3 сентябрдаги 357-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарорининг 7-банди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида низом 9-бандининг ўн олтинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигидан» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги 448-сон қарорининг 7-бандидаги «Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Сил касаллигига қарши курашиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш учун Германия Федератив Республикаси Ҳукумати томонидан қўшимча равишда берилаётган грантларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги 449-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи

иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Испания Қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 14 февралдаги 80-сон қарорининг 2-бандидаги ҳамда 3-бандининг биринчи ва тўртинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорининг 9-банди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомнинг 13-банди иккинчи хатбошидаги, 31-банди тўртинчи хатбошидаги, 88-бандидаги ва 91-банди олтинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Польша Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 319-сон қарорида:

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 29 июлдаги 331-сон қарорининг 7-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасидаги Ҳукуматлараро битимлар доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 14 августдаги 353-сон қарорига илованинг 7-бандидаги «Абдуллаева Ш.Р. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари» сўзлари «Ҳасанов С.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари ярмарка савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 28 августдаги 375-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 80-модда) 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Section-416 (b)» дастури доирасида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш лойиҳаларини маблағ билан таъминлашнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 8 сентябрдаги 389-сон қарорининг 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 5-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида», «Агентликнинг» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида», «Вазирликнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда (1-илова):

3-банднинг саккизинчи хатбошидаги, 12-банднинг «б» кичик бандидаги ва 13, 16 бандлардаги ва 1-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2003 йил 28 октябрдаги 470-сон қарорининг 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига (Э. Ғаниев)» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт техникаси ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 6 ноябрдаги 490-сон қарорига 3-илованинг бешинчи хатбошидаги «Абдуллаева Ш.Р. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари» сўзлари «Ҳасанов С.С. — «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 117-модда) 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 121-модда) 2-иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 ноябрдаги 534-сон қарори билан тасдиқланган Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низом 7-бандининг «а» кичик бан-

ди учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

10-банднинг иккинчи хатбошидаги, 13-банднинг биринчи хатбошидаги, 14-банднинг «б» кичик банди биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 15-банднинг биринчи хатбошидаги ва 22-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илованинг «Ваколатли экспертиза органлари» устундаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳасини рўйбга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 13 январдаги 17-сон қарорига 2-иловадаги «Пардаев Г.Т. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бошқармасининг бўлим бошлиғи» сўзлари «лавозим бўйича — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқармасининг бўлим бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига:

6-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-иловадаги «Фаниев Э.М. — Бош вазир ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси» сўзлари «Азимов Р.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорига 6-иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотларидан ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинадиган техник қўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий маблағларини ҳисобга олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 56-сон қарорининг 3-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов)» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

56. Вазирлар Маҳкамасининг «Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 58-сон қарори 1-бандининг олтинчи хатбошида-

ги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш (KR2)» лойиҳаси доирасида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдамидан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 17 мартдаги 127-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 30 мартдаги 153-сон қарорида:

а) 4-илова (Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом)да:

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вақтинчалик низомга схемадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-илова (Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси учун уни давлат эҳтиёжлари учун сотишда шартномавий нархларни белгилашнинг вақтинчалик тартиби)да:

4-банднинг олтинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вақтинчалик тартибга схемадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг «Корея Республикаси Ҳукуматининг ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш учун берилаётган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 апрелдаги 159-сон қарори 7-бандидаги ва 9-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг «Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 338-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов)» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) 2-илованинг бешинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар

агентлиги раиси» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 80-модда) 2-бандининг учинчи хатбошидаги ва 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига илова 4-бандининг «в» кичик бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг товарларни қайта ишлаш билан боғлиқ қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 17 августдаги 398-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 84-модда) 1-бандининг биринчи хатбошидаги ҳамда 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банднинг иккинчи хатбошидаги, III бўлим номидаги, 13-банддаги, 14-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида», «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида», «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илованинг 1-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида», сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 90-модда):

1-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 9-бандида:

«Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Умумиқтисодиёт комплексига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар комплексига»

сўзлари «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплексига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 420-сон қарорининг 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1540-сон (2004) резолюциясининг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 сентябрдаги 424-сон қарорининг 1-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг «Қандим конлар гуруҳи участкаси, Хоузак ва Шоди участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси маҳсулотларини бўлиш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сон қарорининг 5-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Олий ва ўрта махсус таълим вазири раҳбарлик қиладиган Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 6-иловадаги «Исломхўжаев Ҳ.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари» сўзлари «Камолов А.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги инвестиция дастури тўғрисида» 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини Германия Ҳукуматининг имтиёзли кредитдан фойдаланган ҳолда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 декабрдаги 563-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги, 4 ва 6-бандлардаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Вазирлар Маҳкамасининг «Чехия Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 3 декабрдаги 568-сон қарорида:

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илова II бўлимининг 1, 3, 6, 7 ва 8-бандларидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Вазирлар Маҳкамасининг «Тараққиёт йўлида озиқ-овқат билан таъминлаш» дастури бўйича кишлок хўжалиги маҳсулоти етказиб бериш юзасидан Ҳукуматлараро Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 20 декабрдаги 590-сон қарорида:

9-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Нажимов Н.Э. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари» ва «Ҳабибуллаев С.П. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бош бошқармасининг бошлиғи» сўзлари тегишли равишда «Камолов А.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» ва «лавозим бўйича — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бош бошқармасининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «Абдуллаева Ш.Р. — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари» сўзлари «Ҳасанов С.С. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Япония Ҳукуматининг беғараз ёрдамидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 декабрдаги 605-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Вазирлар Маҳкамасининг «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 декабрдаги 607-сон қарори 12-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 38-сон қарорида:

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов)» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги, 4-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги, 5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 7-бандидаги, 9-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошидаги ва 10-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига», «Агентлик» ва «Агентлика» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига», «Вазирлик» ва «Вазирликка» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 27-модда):

1-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга илованинг 4-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгашини тузиш тўғрисида» 1997 йил 27 мартдаги 163-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 15 июлдаги 302-сон қарорига илованинг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига 1-илованинг 2—14, 16—23-бандлари, 24-банднинг иккинчи хатбоши, 27—29, 31, 33-34-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 21 ноябрдаги 526-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 125-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 26 ва 30-иловалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 13 июндаги 147-сон қарори.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

265 Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 августда 1509-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-56-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2000 йил 27 майдаги «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом»ни (2000 йил 29 июнь, рўйхат рақами 941 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 5-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги 9/6-сонли ва «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом»га киритилаётган қўшимчани (2003 йил 31 январь, рўйхат рақами 941-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 1-2-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги 2002 йил 26 декабрдаги 28/15-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 16 июль,
15/4-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 16 июлдаги 15/4-сонли қарори
билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция
лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрир)**

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

2. Ушбу Низом мақсадларига кўра қуйидаги тушунчалар қўлланилади:
синдициялаштирилган кредит — бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш;

йирик инвестиция лойиҳаси — умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси;

банк синдикати — синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув;

етақчи банк — синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

иштирокчи банк — синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банк.

3. Синдициялашган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади.

4. Тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

5. Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

6. Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади.

7. Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади.

8. Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда самарасиз инвестиция лойиҳаларини тақдим қилган хўжалик субъектларига синдициялаштирилган кредитлар берилмайди. Синдициялаштирилган кредит олгандан кейин молиявий аҳволи ёмонлашган қарздордан берилган кредитлар ўрнатилган тартибда муддатидан аввал ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

2. Синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби

9. Қарз олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равишда миқдорнинг кредитга қобилиятлилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади.

Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни (кейинги матнда — иштирокчи банклар) жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси (бундан кейинги матнда — етакчи банк) сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади.

10. Иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида етакчи банк кредит қўмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хоҳишини билдирган банкларни аниқлайди ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланган қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади.

Синдициялаштирилган кредитни беришга хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилиши мумкин. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий банклар ва молиявий институтлар билан тузилган битимларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Иштирокчи банклар билан музокаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Етакчи банк иштирокчи банкларга таклиф йўллашдан олдин қарз олувчи ҳақидаги маълумотларни Банклараро кредит бюроси маълумотлари билан солиштириши лозим.

12. Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиш ва имзолаш фақатгина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисида ўзаро битим тузилгандан кейин амалга оширилади.

13. Иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестицион лойиҳани биргаликда кредитлаш борасида битим имзолангандан кейин банк синдикати тузилган ҳисобланади ва ушбу битимни имзолаган барча иштирокчи банклар ўзларига синдициялаштирилган кредитлаш борасида мажбурият олган ҳисобланадилар.

Банк синдикати тузилгандан кейин ушбу битимдан чиқиш, яъни синдициялашган кредит бериш борасидаги кредит шартномасини имзолашдан бош тортилган тақдирда иштирокчи банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа иштирокчи банклар олдида бой берилган фойдани қоплаб бериш борасида жавобгар бўлади.

3. Кредитларни расмийлаштириш тартиби

14. Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз олувчи етакчи банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит буюртмаси;
лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;
қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа;
қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-шакллардаги охириги 3 йиллик молиявий ҳисоботи;
мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатиб ўтилган таъминот шаклларида бирини;
етақчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

15. Олинган кредитни қайтараолмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:
мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
учинчи шахснинг кафиллиги;
суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини суғурта қилинган тўғрисидаги суғурта полиси.

Йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса, кредитни қайтариш мажбуриятининг таъминоти сифатида ҳуқумат кафолати тақдим этилиши мумкин.

16. Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун қўшимча равишда мазкур Низомнинг 15-бандида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкӣ ҳуқуқлар (талаблар), қимматли қоғозлар (иштирокчи банклар эмитент бўлган қимматли қоғозлардан ташқари) ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Бунда гаров шартномаси бир томондан қарз олувчи ва иккинчи томондан иштирокчи банклар томонидан имзоланадиган шаклда тузилади.

18. Кафолат Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг етакчи ва иштирокчи банклар олдидаги ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Ёзма мажбурият етакчи банкда сақланади.

19. Кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, етакчи ва иштирокчи банклар — бенифициарлар фойдасига кафил, етакчи, иштирокчи банклар ва қарз олувчи томонидан имзоланадиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

20. Етакчи банк иштирокчи банклар билан келишган ҳолда уларга энг қулай бўлган таъминот шаклини танлаш ҳуқуқига эга.

Бунда етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда тавсия этилаётган таъминот турини таҳлил қилиши шарт. Жумладан, гаров тақдим этилган тақдирда, етакчи банк гаров сифатида таклиф этилаётган мулкни қарз олувчи ҳамда иштирокчи банклар вакиллари иштирокида биргаликда баҳолаши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳолашни амалга ошириши мумкин. Кафолат, суғурта ёки учинчи шахснинг кафиллиги тақдим этилган тақдирда, етакчи банк кафолат берувчининг, суғурта компаниясининг ёки қарз олувчига кафил бўлаётган шахснинг молиявий аҳволини

батафсил таҳлил қилиши ва ўз хулосасини иштирокчи банкларга маълум этиши лозим.

21. Банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуши аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит шартномасида кредитнинг умумий суммаси, мақсади, фоиз ставкаси, муддати, ҳар бир иштирокчи банк томонидан ажратиладиган кредит миқдори, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда иштирокчи банклар томонидан кўриладиган жазо чоралари ва жарималар, кредит шартномада белгиланган муддатларда ажратилмаган ҳолларда иштирокчи банкларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори ва бошқалар белгиланган бўлиши шарт.

Кредит йиғма жилди етакчи банкда юритилади ва унда сақланади. Кредит йиғма жилдининг нусхаси ҳар бир иштирокчи банкда сақланади.

22. Иштирокчи банклар томонидан қарз олувчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, иштирокчи банкнинг ички тартибда белгиланган тарзда тегишли масъул ходими томонидан бухгалтерияга кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисоб рақамини очиш тўғрисида фармойиш беради.

23. Синдициялаштирилган кредит ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳар бир иштирокчи банк томонидан Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 2 мартида 906-рақам билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (янги таҳрири)» асосида барча зарур лойиҳа-смета ва бошқа ҳужжатлар нусхалари етакчи банкка тақдим этилгандан кейин бошланади.

4. Синдициялаштирилган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш, мониторингини олиб бориш ва уни қайтариш тартиби

24. Иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварағи очади.

25. Иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда ҳисобварағидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади.

26. Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади.

27. Ҳар бир иштирокчи банк томонидан берилган синдициялаштирилган кредит ушбу банк балансида кредит муддатига қараб мос равишда қўйидаги баланс ҳисоб рақамларида олиб борилади:

12700 «Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15100 «Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар»;

12900 «Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15300 «Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар»;

13100 «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15500 «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар».

28. Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар кредит бўлими ходимининг кўрсатмаси асосида муддатли мажбуриятномалар шаклида расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, кредитлар тўла қайтарилгунигача қадар 91901 — «Қарз олувчиларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари» ва 91905 — «Қарз олувчининг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» номли кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

29. Етакчи банк томонидан қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

30. Мониторинг жараёнида етакчи банк ва ҳар бир иштирокчи банк томонидан қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномаларга (буюртмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товармоддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши, барча банк ҳисобварақларидаги ҳаракатларни таҳлил қилади ва ушбу кўрсаткичларни қарздорнинг кредит йиғмажилдида умумлаштириб боради.

Банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойига чиқиб ўрганилади.

31. Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича етакчи ва иштирокчи банклар мониторинг жараёнида кредитланган объектда бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида амалга оширади.

32. Мониторинг натижалари етакчи банк томонидан иштирокчи банкларга ҳамда иштирокчи банклар томонидан бошқа синдикат аъзоларига синдициялаштирилган кредит ҳақидаги келишувда белгиланган муддатларда юборилади.

Мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқланиши бўйича жавобгарлик ҳар бир иштирокчи банк зиммасида бўлади.

Мониторингни амалга ошириш банк синдикати келушивида ёки кредит шартномасида етакчи банк зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлаш борасидаги жавобгарлик етакчи банк зиммасида бўлади.

33. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, иштирокчи банклар ёки етакчи банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг

талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

34. Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш етакчи ва иштирокчи банклар томонидан уларнинг мазкур кредит умумий суммасидаги улушига мос ҳолда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд маблағлар ҳисобидан, кредит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда ундирилади.

35. Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун қарз олувчининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит учун ҳисобланган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ белгиланган навбат тартибда амалга оширилади.

36. Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

37. Етакчи банк, унинг томонидан кредитлаш жараёнини нотўғри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қўйидаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади: кредит ҳужжатларини нотўғри расмийлаштириш, юзаки мониторинг ўтказиш, иштирокчи банкларга кредит қайтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қилмаслик, қарз олувчининг депозит ҳисобрақамида маблағлари бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаганлик ва ҳ. к.

38. Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли кредитни ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун масъулият синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув асосида барча иштирокчи банклар зиммасида бўлади.

39. Етакчи банк мазкур битимни ташкил этиш пайтидаги бевосита ва қўшимча вақт ва маблағ сарфларини қоплаши учун қарз олувчидан воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга. Воситачилик ҳақи миқдори синдициялаштирилган кредитлаш ҳақидаги келишувда ва кредит шартномасида назарда тутилади.

40. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, етакчи банк бошқа иштирокчи банклар билан келишилган ҳолда Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равишда гаров предметида қаратишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган маблағ суммаси барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларнинг мазкур синдициялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдиғидаги улушига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади.

Синдициялаштирилган кредитни қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш ҳудди шу тартибда амалга оширилади.

41. Иштирокчи банклар томонидан синдициялаштирилган кредит бўйича қарз олувчининг тўловга қобилиятлилик даражасида муаммолар пайдо бўлганлиги аниқланган тақдирда эҳтимолли йўқотишларни қоплаш учун Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-рақам билан рўйхатга олинган «Активлар сифатини тавсифлаш, улар бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун тижорат банклари томонидан яратиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Низом»га мувофиқ синдициялаштирилган кредитдаги улуши ҳажмида захиралар яратишга мажбурдирлар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

266 Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
26 августда 1339-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 5 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «2005 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3596-сонли Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 110-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 10 мартдаги 2-П, 43-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномаси»га (2004 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1339 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 15-сон, 184-модда) иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб 10 кун ўтгач кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 август,
191-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 август,
81-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

267 Лотерея, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
26 августда 1234-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 5 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 168-модда) асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 4 апрелдаги 51 ва 2003-42-сон қарори билан тасдиқланган Лотерея, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомга (2003 йил 21 апрель, рўйхат рақами 1234 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 август,
80-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 август,
2005-48-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ТЎЛОВ МУДДАТИ ЎТГАН ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ИНТИЗОМИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

268 Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи «Ўз-
кимёсаноат» ДАК корхоналарининг пул маблағлари-
ни тақсимлаш тўғрисидаги вақтинчалик тартибни тасдиқлаш
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
30 августда 1510-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 9 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сонли «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушушини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли «Кимё саноати корхоналари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизматларни кўрсатишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 33-модда), 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом-ашъё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) қарорлари асосида Республика комиссияси **қарор қилади:**

1. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарининг пул маблағларини тақсимлаш тўғрисидаги вақтинчалик тартиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарзлари тўлови муддатлари ойма-ой тенг тўловлар орқали узиш шarti билан бир йилга кечиктирилсин ва уларга ҳисобланган устама жарималар ҳисобдан чиқарилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан ўн кун ўтиши билан кучга киради.

**Комиссия ҳамраиси, Марказий банк Бошқаруви
раиси Ф. МУЛЛАЖАНОВ**

Комиссия ҳамраиси, Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 17 август,
РК-1462-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

269 Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун
махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа якка тар-
тибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намуна-
вий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
8 сентябрда 1511-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш ва жорий этиш дастури» ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Намунавий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Акбаров зиммасига юклатилсин.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 август,
97-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MAPKAZИЙ BAHKИ BOШҚAPУBИНИНГ
ҚAPOPИ

270 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 653-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 21-сон, 152-модда) Фармони иловасининг 1-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда 10-01 ва 111-В-сон билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш Тартиби»га (1999 йил 27 февраль, рўйхат рақами 653) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
73-сон

Марказий банк раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
111-В-6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

271 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 612-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 21-сон, 152-модда) Фармонига илованинг 1-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 28 январда 10, 116-В-сон тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисидаги Низом»га (1999 йил 28 январь, рўйхат рақами 612) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
77-сон

Марказий банк раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
116-В-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

272 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла ва гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 657-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ–3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 йил, 21-сон, 152-модда) Фармони иловасининг 1-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда 10-04 ва 115-В-сон билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла ва шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартиби»га (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 657) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
78-сон

Марказий банк раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
115-В-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

273 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 сентябрда 1149-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 152-модда) Фармони иловасининг 1-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 66 ва 218-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2002 йил 12 июнь, рўйхат рақами 1149 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 11-12-сон, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 7-сон, 93-модда; 2004 й., 45-46-сон, 483-модда) ўзгартиришлар иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
75-сон

Марказий банк раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
218-В-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

274 Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2005 йил 8 сентябрдан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 21-сон, 152-модда) Фармонига илованинг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 23 февралда 10-03 ва 114-В-сон тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартиби» (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 656,);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 2000 йил 16 февралда 22-сон, 2000 йил 14 февралда 114-В-1-сон тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартибига 1-сонли қўшимча ва ўзгартиришлар» (2000 йил 25 февраль, рўйхат рақами 656-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2002 йил 22 январдаги 22 ва 114-В-2-сонли «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси» маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарори (2002 йил 31 январь, рўйхат рақами 656-2 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 1-2-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 114 ва 114-В-3-сонли «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бўнаклашда Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўнақ тўловларини амалга ошириш Тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарори (2004 йил 1 ноябрь, рўйхат рақами 656-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 44-сон, 466-модда).

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
74-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Марказий банк раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
16/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 20 августдан 9 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сон қарори (янги таҳрирда).*

2005 йил 20 августда 1509-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 августдан кучга киради).

2. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 22 августдаги 191, 81-сон қарори.*

2005 йил 26 августда 1339-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 5 сентябрдан кучга киради).

3. «Лотерея, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 19 августдаги 80, 2005-48-сон қарори.*

2005 йил 26 августда 1234-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 5 сентябрдан кучга киради).

4. «Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарининг пул маблағларини тақсимлаш тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2005 йил 17 августдаги РК-1462-сонли қарори.*

2005 йил 30 августда 1510-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 9 сентябрдан кучга киради).

5. «Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун махсус кийим, махсус пойафзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2005 йил 26 августдаги 97-сон буйруғи.*

2005 йил 8 сентябрда 1511-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 сентябрдан кучга киради).

6. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва шוליға Жамғарма

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган маблағларни қайтариш учун нон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва шolini сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 73, 111-В-6-сонли қарори.*

2005 йил 8 сентябрда 653-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 сентябрдан кучга киради).

7. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 77, 116-В-4-сонли қарори.*

2005 йил 8 сентябрда 612-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 сентябрдан кучга киради).

8. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла ва гуруч-шоли учун яқуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 78, 115-В-4 -сонли қарори.*

2005 йил 8 сентябрда 657-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 сентябрдан кучга киради).

9. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 75, 218-В-4-сонли қарори.*

2005 йил 8 сентябрда 1149-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (2000 йил 29 июнь, рўйхат рақами 941; 2003 йил 31 январь, рўйхат рақами 941-1).*

Адлия вазирининг 2005 йил 20 августдаги 127-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом, 1, 2, 3-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 656; 2000 йил 25 февраль, рўйхат рақами 656-1; 2002 йил 22 январь, 656-2; 2004 йил 1 ноябрь 656-3).*

Адлия вазирининг 2005 йил 18 сентябрдаги 136-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.